O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 28-aprel • Shanba • 51 (27.696) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Мустақиллик имкониятлари

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ДУНЁНИ БОҒЛАЙДИГАН КЎПРИК

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ПОЙТАХТИМИЗ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ХУСУСИДА

Ҳар бир мамлакатнинг пойтахти ўша мамлакат ва халқнинг маданияти, тараққиёти, керак бўлса, имкониятлари ҳақида тасаввур беради. Шу маънода пойтахтимиз азим Тошкент ҳам. Тинчлик, дўстлик шаҳри, шарқ дарвозаси ҳисобланган Тошкент қиёфаси мустақиллик йилларида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

«...Биз Тошкентнинг аввалги улуғворлигини шунчаки қайта тиклаб қолмай, уни янада оширишимиз керак, — деган эди Юртбошимиз шаҳар фаоллари билан учрашувларнинг бирида. — **Бу — бизнинг энг зарур иқтисодий, ўзбек халқи олдидаги, унинг яхши ўтмиши ва аминманки, жонли келажаги олдидаги ватанпарварлик бурчимиздир».**

Мустақиллик нақадар улуғ неъмат эканлигини пойтахтимизда бўлаётган ўзгаришлар мисолида кўриб шукрона айтамиз. Кун сайин эмас, соат сайин янги ўзгариш. Осмонўпар бинолар, сайилгоҳлар, бир-биридан кўркам маъмурий иншоотлар, меҳмонхоналар, замонавий мактаблар, кўприклар, равон йўллар буларнинг барча-барчаси ҳар биримизга қувонч ва ғурур бағишлайди.

Мамлакатимиз пойтахтида жойлашган Ҳазрати имом (Ҳастимом) меъморий мажмуаси юртимиз ва мусулмон оламида катта обрў-эътибор қозонган табаррук маскан ҳисобланади. Юртбошимиз куни кеча ана шу қутлуғ масканда бўлиб, бу ерда олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишлари билан танишди. Ноёб қўлёзмалар сақланаётган кутубхонани кўздан кечирди ва зарур маслаҳатлар берди. Айни дамларда мажмуада объектларни таъмирлаш ва қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш бўйича кўзда тутилган ишлар тасдиқланган жадвал асосида амалга оширилмоқда. Президентимиз бу ердаги ишлар билан танишиш асносида ёдгорликлар пештоқидаги нақшларнинг асл ҳолини тиклаш, айниқса, қадимий ёзувларни тиклашда эҳтиёткорлик билан иш тутиш зарурлигини қайд этди.

Бундан кўринадики, мамлакатимизнинг яна бир гўшаси ободонлаштирилади. У юртимиз кўркига кўрк бўлиб қўшилади.

Истиқлол йилларида шаҳримизда барча қулайликларга эга, замонавий янги бозорлар ишга туширилди, мавжудлари қайтадан мукаммал таъмирланди. «Чилонзор» буюм бозори, «Эски жўва», «Фарҳод», «Паркент», «Миробод», «Бешёғоч», «Олой», «Юнусобод», «Қўкча», «Ширин», «Сайрам», «Қорақамиш», «Аҳмад Дониш», «Қўйлиқ», Бектемир тумани ҳудудида жойлашган деҳқон ва буюм бозорлари ана шулар жумласидандир.

Тошкент марказий темир йўл вокзали ҳам бугун бутунлай ўзгача қиёфа касб этган. Вокзал олдидаги майдон кўкламзорлаштирилган. Асосий бино миллий меъморчилигимиз анъаналари асосида қайта таъмирланди. Йўловчилар ва транспорт воситалари учун қулай бекатлар, чиптахоналар, кутиш майдончалари, фавворалар барпо этилди.

Шаҳар марказидаги Алишер Навоий номидаги миллий боғ бугун мутлақо янгича кўриниш олган. Бу ерда айниқса, болажонлар учун барпо этилган аттракционлар, спорт-соғломлаштириш маркази кўпчиликни қувонтирмоқда. Боғда минифутбол, волейбол, теннис, енгил атлетика сингари спорт турлари билан шуғулланиш имкониятлари бор. Боғ атрофида пойтахтимиздаги энг катта сув ҳавзаларидан бири бўлган, тўққиз гектарлик майдонни эгаллаган кўл қирғоқлари, кўприклар таъмирланди.

2-бет

«Мурувваттекс» қўшма корхонасининг «Самарқанддарвоза»даги тикув цехи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Галабанинг 62 йиллиги муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 50 000 (эллик минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашув ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 27 апрель

ҲАМКОРЛИК СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК АСОСИДА РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 апрель куни Оқсаройда Япониянинг иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири Акира Амарини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Японияни ишончли ва яқин ҳамкор мамлакат сифатида билишини, ўзаро алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланаётганини таъкидлади.

— Сизнинг раҳбарлигингизда Япония ҳукумати аъзолари ва йирик корпорациялар вакилларидан иборат делегациянинг мамлакатимизга ташрифига ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш жараёнидаги муҳим босқич сифатида қараймиз, — деди Ислом Каримов. — Мустақиллик йилларида қарор топган ва изчил ривожланиб бораётган Ўзбекистон — Япония муносабатларини юксак қадрлаймиз. Ўзбекистонда Япония билан ҳамкорликда стратегик аҳамиятга молик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Президентининг 2002 йили Японияга ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотга мос равишда ривожланиб бормоқда. Турли мақомдаги делегацияларнинг ташрифлари амалга оширилди, кўплаб учрашувлар, кўргазма, семинар ва форумлар бўлиб ўтди. Буларнинг барчаси иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Япония ўртасида ташқи сиёсат маҳкамаларининг мунтазам маслаҳатлашувлари йўлга қўйилган. Ўзбекистон Японияниг БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сафидан жой олиши тарафдори. Япония Ўзбекистондаги ислоҳотларни, мамлакатимиз раҳбарининг Марказий Осиё Умумий бозорини яратиш ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

Япония ташқи сиёсатида Ўзбекистон ва минтақамизнинг бошқа давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, интеграция жараёнларини фаоллаштириш мақсадида «Ипак йўли дипломатияси» ва «Марказий Осиё + Япония» мулоқот механизми шаклланган.

Мазкур мулоқот доирасида 2006 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида Ҳаракат дастури ҳамда Техникавий ҳамкорлик битими имзоланди.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон қўмиталари ҳар йили қўшма мажлис ўтказиб, ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилайди, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, истиқбол режаларини ишлаб чиқади. Япония — Ўзбекистон қўмитасига Йосиро Мори, Таро Асо сингари таниқли сиёсатчилар, «Мицуи», «Марубени», «Тошиба», «Чори», «Тойота», «Шимидзу» каби корпорацияларнинг, йирик банк ва молия муассасаларининг раҳбарлари аъзо эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳозир мамлакатимизда тўққизта Ўзбекистон — Япония қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар енгил саноат, машинасозлик, савдо, транспорт хизмати, сайёҳлик соҳаларида иш юритади. Ўзбекистонда Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Ташқи савдо ташкилотининг (JETRO), «Мицуи», «Мицубиси», «Сумимото», «Нише Иваи», «Итоҳу», «Тойота Цусе» каби 21 йирик корпорациянинг ваколатхонаси очилган. Япония сармояси иштирокида мамлакатимизда ўндан ортиқ йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Масалан, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлини барпо этиш лойиҳаси учун Япония ҳукумати 150 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратган. Самарқанддаги автомобиль заводида «Исудзу» русумли автобус ва юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани қўшма лойиҳаларнинг муваффақиятига яна бир ёрқин мисолдир. Умуман, ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейинги даврда Японияниг Ўзбекистонга киритган сармояси ҳажми салкам 2 миллиард АҚШ долларига етди.

Гуманитар ҳамкорлик борасида айниқса илм-фан ва таълим соҳасидаги алоқалар изчил ривожланаётганини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистонлик саккиз юздан зиёд мутахассис JICA йўналиши бўйича Японияда малака оширди. Ўтган йили Японияда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» фондининг ваколатхонаси очилгани маданий ҳамкорлик йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирига бир неча йирик корпорация вакиллари ҳамроҳлик қилмоқда. Улар Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг янги тармоқларини ташкил қилиш, шунингдек, суғурта, кончилик ва нефть-газ саноати, кичик бизнес соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари билан яқиндан танишиш ниятида.

Акира Амари самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Иқтисодий алоқаларни кенгайтириш борасида Ўзбекистон ва Японияниг имкониятлари катта эканлигини, уларни тўла ишга солишдан икки томон ҳам манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(ЎзА)

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг Навоий вилоятидаги ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил натижаси муҳокама қилинди.

Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан 169 та нодавлат нотижорат ташкилоти рўйхатга олинган. Вилоятдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) корхона, ташкилот ва муассасалар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу асосан ижтимоий кўмак, таълим, маданият ва спорт ишларини ривожлантириш масалаларида акс этаяпти. Бугунги кунда Навоий шаҳар ногиронлар жамияти, «УМР», «Ариадна», «Хумо», «Имконият» каби нодавлат нотижорат ташкилотлари ногирон болаларнинг ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда ҳамма қатори яшаш ва ижод қилишлари учун шароитлар яратиш борасида муайян ишларни амалга ошириб келаяпти.

Шу билан бирга юқоридаги Қонуннинг ижро этилишини таъминлашда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган.

Йиғилиш якунида камчиликларни бартараф этиш, маҳаллий давлат органлари билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш, адлия ва солиқ органлари томонидан амалдаги қонунлар нормаларини тарғиб қилиш ишларини кучайтириш юзасидан тавсиялар берилди.

✧✧✧

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг ҳам мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг Самарқанд вилоятида бажарилиши ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Гидротехника иншоотлари мамлакатимизда энг кўп тарқалган муҳандислик иншоотлар сафига киради. Бугунги кунда мамлакатимизда 54 та сув омбори, 1468 та насос станцияси, 30 дан ортиқ ГЭС ва бошқа иншоотлар мавжуд. Улар мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутади.

Самарқанд вилоятида мазкур Қонуннинг бажарилиши юзасидан эътиборли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Вилоят ҳокимлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланишга топшириш, реконструкция қилиш, тиклаш, консервациялаш ва тугатишда хавфсизликни таъминлаш бўйича муайян ишлар олиб борилган. Лекин, назорат-таҳлил натижалари вилоятда мазкур Қонун талабларини бажаришда ҳали ечимини топмаган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Шунинг учун мажлисда тегишли вазирликлар, ташкилотларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар юборишга келишиб олинди.

✧✧✧

Ўзбекистон МДҲ давлатлари ўртасида «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва муносабатлар тўғрисидаги Конвенция» (1993 йил, Минск) аъзоси ҳисобланади. Айни чоғда фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида ҳамкорлик битимлари имзоланган.

Лекин тўпланган тажриба ушбу соҳа билан боғлиқ муаммолар ҳам оз эмаслиги, айрим ҳужжатларга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо қилмоқда.

Палатанинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан ташкил этилган амалий семинар ана шу масалаларга бағишланди.

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия, Ташқи ишлар вазирлиги, Олий суд, Адлия вазирлиги қошидаги Суд қарорларини ижро этиш ва судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан молиявий таъминлаш департаменти, қатор идоралар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Беҳзод ШУКУРОВ,
Акбар ЖОНУЗОҚОВ

БУ ҲАҚДА...

«Ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвони учун кечган жангда Руслан Чагаев ёрқин ғалабага эришганининг асосий сабабларидан бири унинг ўз Ватани — Ўзбекистонга бўлган беқиёс муҳаббати эканини чуқур ҳис қилдим.»

БУ ҲАҚДА «Universum-box promotion» профессионал бокс клуби промоутери Клаус-Петер КОЛЬ мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга йўллаган хатида алоҳида таъкидлади.



❖ **Ўзбекистон ифтихорлари**

«ОРЗУИМ МУТЛАҚ ЧЕМПИОН БЎЛИШ»

деди бокс бўйича жаҳон чемпиони, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Руслан Чагаев «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгашида бўлган учрашувда

Ҳали қалбларимизни қувонч, ҳаяжон тарк этгани йўқ. Жаҳоншумул ғалаба, дунё жамоатчилиги, спорт мухлислари эътиборини яна бир бор Ўзбекистонга қаратишга мажбур этган тарихий ғалабага бағишланган тадбирлар мамлакатимизнинг турли ҳудудларида давом этаяпти.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев билан «Ўзбекнинг ғурури тоғлардан баланд» деб номланган учрашув бўлиб ўтди. Унда «Камолот» ЁИҲ ходимлари, фаоллари, талабалар, ҳарбий ўқув юрти курсантлари қатнашдилар.

— 1991 йилдан буёғ бокс билан шуғулланаман, — деди чемпион. — Ушанда бугунгидек даражага эришаман, деб кутмаганман, лекин буни орзу қилар эдим. Амин бўлдимки, инсон ўз орзуси йўлида оғишмасдан, чин дилдан, матонат билан ҳаракат қилса, албатта, унга эришар экан. Бу ўз-ўзидан бўлмайди. Тинимсиз меҳнат, ўз устида қаттиқ ишлаш талаб этилади.

Жанг бошланишидан аввал спортчида ҳаяжон бўлади. Бу табиий. Лекин қўрқув бўлмаслиги керак. Валуев билан бўлиб ўтган жанг олдидан Ўзбекистондан жуда кўплаб дўстларим, яқинларим, ошна-оғайниларим қўнғироқ қилишди. «Бугун бутун Ўзбекистон сенинг ғалабангни кутаяпти. Барча сени қўллаб-қувватлаб турибди, дуо қилишаяпти. Жанг бошланишини сабрсизлик билан кутаяпмиз», дейишди. Буларни эшитиб руҳим кўтарилди. Ғалаба мен учун, Ўзбекистон учун қанчалик муҳим ва зарур эканлигини яна бир бор юрагимдан ўтказдим. Ўз-ўзимга ишончим янада ортди. Бундай пайтда спортчи учун бу жуда муҳим.

Ниятим узоқ йиллар ушбу камарни ҳимоя қилиш ва мутлақ чемпионлик учун қолган камарларни ҳам қўлга киритиш. Шунинг учун астойдил ҳаракат қиламан. Ватаним номини улуғлаш, унинг менга эътиборига муносиб жавоб қайтариш фарзандлик бурчимдир.

Шунингдек, Руслан Чагаев ёшларнинг кўплаб саволларига жавоб берди.

Учрашув сўнггида «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши раиси бир гуруҳ ёшлар Руслан Чагаев соврини учун ёш боксчиларнинг республика турнирини ўтказиш ташаббуси билан чиққанини, «Камолот» бу таклифни қўллаб-қувватлаганини билдирди. Жаҳон чемпиони ушбу турнирнинг кўчма кубогига ўз дастхатини қўйди.

Беҳзод АБДУҚАЮМОВ

Суратда: учрашувдан лавҳа. **Абдувоси ҲАЙДАРОВ,** олган сурат

❖ Бошланғич партия ташкилотларида

ОБРЎ ЎЗ-ЎЗИДАН ОШМАЙДИ

БУНИНГ УЧУН ПАРТИЯНИНГ ҲАР БИР АЪЗОСИ ФАОЛ БЎЛМОҒИ, ПАРТИЯ ҒОЯЛАРИ, ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН АСТОЙДИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛМОҒИ ЗАРУР

Жиззах шаҳридаги «Жиззахпластмасса» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилотида бўлиб ўтган давра суҳбати иштирокчилари шундай хулосага келдилар. Аммо, бу фикр барқарор булгунга қадар партиянинг обрўсини ошириш, мавқеини мустаҳкамлаш, кундалик амалий ишлар таъсирчанлигини таъминлаш учун нималар қилиш кераклиги, қандай масалаларга эътиборни кучайтириш лозимлиги ҳақида қизғин баҳс-мунозаралар, тортишувлар бўлди, таклифлар айтилди, мулоҳазалар билдирилди.

Носиржон СИДДИКОВ, ЎзХДП Жиззах шаҳар кенгаши раиси:

— Партия қандай қилиб ўз олдига қўйган вазифаларга, кўзланган мақсадларга эришади, қачон унинг обрўси, таъсирчанлиги янада ошади? Қачонки, партиянинг кўп сонли фаоллари, етакчилари, аъзолари доимий равишда одамлар орасида бўлса, фуқароларнинг, партия аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини ўрганиб, шу асосда амалий ишларни кучайтирса. Бу жараёнда эса бошланғич партия ташкилотларининг ўзига хос ўрни борки, буни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Чунки, одамларда партияга бўлган қизиқишнинг, хайрихоҳликнинг ортиши аввало бошланғич ташкилотларнинг фаолиятига бевосита боғлиқ. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, ЎзХДП бошланғич ташкилотлари бугун қай даражада фаолият кўрсатаяпти, улар қандай вазифаларни бажаришга чоғланган ва қайси масалаларга эътиборни кучайтириш зарурати сезилмоқда?

Очиғи, яқин-яқинларда ҳам, аниқроғи, партиямизнинг V қурултойигача бошланғич партия ташкилотлари суст ишлаганлиги рост. Ҳатто, айрим жойларда уларнинг борлиги ҳам сезилмасди. Бугун партиянинг чинакам бош бўғини, асосига айланаётган бошланғич ташкилотларга муносабат ҳам, талаб ҳам тубдан ўзгарган. Эндиликда улар партиянинг дастурий ғоялари, мақсад ҳамда вазифаларини кенг халқ оммасига тушунтириб бормоқда.

Нилуфар ЭЛМУРОДОВА, корхонанинг маҳсулот сифати бўйича назоратчиси, ЎзХДП аъзоси:

— Партиянинг обрўсини, мавқеини ошириш масаласи биринчи галда унинг ҳар қайси аъзоси фаоллигига, қатъиятлигига бориб тақалади. Бу нарса унутилган жойда кўзланган мақсадга эришиш амримаҳол бўлиб қолади. Айтайлик, бошланғич партия ташкилотлари, партиянинг туман ёки шаҳар кенгашлари ХДП сафига қабул қилинаётганларга, умуман партия аъзоларига нисбатан партиявий талабчанликни сусайтириб юборсалар, уларни сиёсий ўқишлар, жамоат ишларига жалб қилиш орқали ғоявий-сиёсий савиясини ошириб турмасалар, партия Устави қоидалари бажарилмаса дастурий мақсадларга эришиб бўлмайди.

Ўрол МИРЗАЁРОВ, чиқиндиларни қайта ишлаш цехи бошлиғи, ЎзХДП аъзоси:

— Менимча, ҳар қандай партия таъсирли ва обрўли бўлиши учун аввало, ҳаракатчан, курашчан бўлиши керак. Обрў эса партияга осмондан тушмайди, уни электорат манфаатларини кўзлаб олиб борилаётган кундалик қизғин курашлар олиб келади. Дастурлар, мақсадлар, вазифалар қанчалик улуғвор, жозибали бўлмасин улар ҳаётга татбиқ қилинмаса, амалга ошмаса, бундан ҳеч кимга наф йўқ. Одамлар бизга амалий ишларимизга қараб баҳо беришади, ишонишади, эргашишади.

Марҳамат ҚАЮМОВА, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехи ишчиси, ЎзХДП аъзоси:

— Партиянинг обрўси, мавқеи ҳақида сўз бораётган экан, назаримда, масаланинг бир жиҳатига эътибор қаратилишини хохлардим. Токи, партиянинг бошланғич ташкилотидан тортиб Марказий Кенгашигача бўлган барча бўғинлари, депутатлик тузилмалари, ҳар бир аъзоси ўзлари истиқомат қилаётган, ишлаётган ҳудудларида, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда, уларнинг атрофида, бутун мамлакатимиз миқёсида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга доимий дахлдорлик ҳисси билан яшамас экан, обрў ҳақида, мавқе хусусида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. «Менга нима-ю, сенга нима?» қабилида иш тутсак, лоқайд, бепарво бўлсак бундан ёмони йўқ.

Раҳмат ЭГАМБЕРДИЕВ, плёнка ишлаб чиқариш цехи ишчиси, ЎзХДП аъзоси:

— Партиянинг сайланма органлари, партиядан сайланган депутатларимизнинг ишлари хусусида ҳам айрим эътирозларимиз бор. Сирасини айтганда, уларнинг фаолияти ҳозирча талаб даражасида эмас. Хусусан, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши аъзоларининг кўпчилигини танимаймиз, билмаймиз. Ўзимиз сайлаган, сайловгача катта-катта ваъдалар берган депутатларимизнинг айримларини ойлаб, йиллаб кўрмаймиз. Бу аҳволда партия обрўсини ошириб бўладими? Депутат ўз жойида, сайланма орган вакили ўз жойида, партиянинг биз каби оддий аъзолари жонкуяр бўлсак, ташаббус кўрсатсак, электорат манфаатларини кўзлаб иш юритсак, битта ғоя йўлида бирлашиб ҳаракат қилсаккина кўзлаган натижаларга эришамиз, деган умиддаман.

Мели ҚОДИРОВ, қувур ишлаб чиқариш цехи ишчиси, ЎзХДП аъзоси:

— Ёшларга нисбатан кўпроқ эътиборли бўлишимиз лозим. Сабаби аён: ёшлар — келажагимиз, улар бор жойда ғайрат бор, бунёдкорлик бор. Афсуски, бу масалада ҳозирча мактанишимиз мушкул. Тўғри, кейинги пайтда бу борада ҳам анчагина ишлар қилинди. Хусусан, жойларда партиянинг «Истиқбол» ёшлар қаноти ташкил этилди ва унинг фаолиятини янада жонлантириш тадбирлари кўрилмоқда. Лекин булар етарли эмас. Ёшлар орасида партиямизга хайрихоҳлар қанча кўпайса, шунча соз бўларди.

Яна бир гап. Ғоя, мафкура деймиз. Булар керак. Аммо, биринчи навбатда партия аъзоларининг ўзлари шу ғояларга содиқ эканликларини амалда ифода этишлари зарурдир? Булар ҳам аслида партиянинг халқ орасидаги обрў-эътибори ошишига олиб келармиди, дейман-да.

Мамлакатимиз кимё саноатининг илғор корхоналаридан бири ҳисобланган «Жиззахпластмасса» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти тўғрисида қисқача маълумот: корхона 1972 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаяпти. У йилига 18200 тонна полиэтилен плёнка, 10800 тонна ҳар хил ўлчамдаги полиэтилен қувур, 1370 тонна халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни пайтда бу ерда 350 нафар ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходимлар меҳнат қилаяпти. Бошланғич партия ташкилоти ҳисобида 18 нафар ХДП аъзоси бор. Фотима Холмирзаева етакчилик қилаётган партиядошларимиз ишлаб чиқаришда ҳам, жамоатчилик ишларида ҳам кўпчиликка намуна бўлишмоқда. Улар жамоада соғлом муҳитни барқарорлаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш, электорат манфаатларини сўзда эмас, амалда ифодалаш, уларнинг ишончини оқлаш йўлида астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

❖ 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»

ИШ ЖОЙИНГИЗ ВА ЁХУД УЛАРНИ ШАҲОДАТЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги қарори билан тасдиқланган «Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар»нинг 2, 3-сонли рўйхатлари 1-қисмида бир қатор ишлар ва касбларда банд бўлган ходимларга имтиёзли пенсия тайинлаш, уларнинг иш жойлари ҳамда меҳнат шароитларини шаҳодатдан ўтказиш шартлари қайд этилган. Айни шу нуқтаи назардан Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигинда «Ижтимоий ҳимоя йили»да ҳам халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги корхоналарда (улар қандай мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар) мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган режа ишлаб чиқилди. Унга кўра, жорий йилда бу борада 33 та корхонада муайян ишлар олиб борилади.

— Узоққа бориб ўтирмайлик. «Ижтимоий ҳимоя йили» деб ном олган жорий йилимизнинг биринчи чораги натижалари олдинги йилларга қараганда анча яхши, — дейди **Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг меҳнат шароитлари Давлат эксперти Азамат Нурумбетов.** — Корхоналарда иш ўринларини аттестациядан ўтказиш — шаҳодатлаш жараёнлари яхши йўлга қўйилди. Ҳозир режадан ташқари бошқа кўплаб корхоналар ҳам ўзидаги иш ўринларини аттестациядан ўтказиш ва унинг қонун-қоидалари бўйича услубий қўлланмалар сўраб мурожаат қилишга тушдилар.

Иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш деб инсон меҳнат қилаётганида, унинг соғлигига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсирига ва бу жараёнларнинг ҳақиқий даражасини тегишли асбоб-ускуналар ёрдамида ўлчашга, яъни аниқлашга айтилади.

Меҳнат кодекси амалга киритилгунга қадар (1996 йил 1 апрелгача) юқорида санаб ўтилган ходимлар меҳнат шароити — зарарли ишлаб чиқаришлар, цехлар, касблар ва лавозимлар рўйхатига ҳамда унга илова қилинган йўриқномаларга кўра, аниқланарди. Рўйхат ва йўриқнома марказлаштирилган тартибда тасдиқланарди.

Меҳнат кодекси кучга киргандан сўнг, кўрсатиб ўтилган рўйхат ва йўриқнома юридик кучини йўқотди. Шу боис, меҳнат шароити ноқулай бўлган ишларни аниқлашнинг Кодексда мустаҳкамлаб қўйилган янги тартиби — меҳнат шароитларини баҳолашни ва ҳар бир иш жойини аттестациядан ўтказиш — шаҳодатлаш жараёнини талаб қилди.

— Бу жараённинг ўзига хос услуб ва услубиятлари ишлаб чиқилганми?

— 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги (ўшанда вазирлик шундай номланарди) Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда «Меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш жойларини аттестациялаш Услубиёти»ни ишлаб чиқдилар ва у 1996 йил 28 майда Адлия вазирлигида рўйхатга олинди.

— Услубиётга мувофиқ иш жойларини аттестациялаш идоравий бўйсунишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона ва ташкилотларнинг барчасида ўтказилиши мажбурийми?

— Ҳа, мажбурий. Чунки, иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилишдан мақсад — фуқароларнинг соғлом ва санитария-гигиена талабларига мос, хавфсиз иш жойларида меҳнат қилишини ва уларнинг бу борадаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш.

— Меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилишда нималар аниқланади?

— Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган айрим касбларда банд бўлган фуқароларнинг бундай имтиёзга бўлган ҳуқуқи (бор ёки йўқлиги)ни тасдиқлаш; ноқулай меҳнат шароитларидаги касбларда банд бўлган айрим тоифадаги ходимларнинг имтиёзли шартларда солиқ тўлаш ҳуқуқи (бор ёки йўқлиги)ни тасдиқлаш; асосий таътил кунларига (15 кун) қўшимча корхона солиқ базасини камайтирувчи (меҳнат шароитлари ноқулайлиги ва ўзига хослиги билан боғлиқ) таътил кунлари сонини аниқлаш; ноқулай меҳнат шароитларида ишловчи айрим тоифадаги ходимларни қисқартирилган иш кунида (ҳафтасига 36 соат) ишлаш ҳуқуқи (бор ёки йўқлиги)ни тасдиқлаш ва ҳоказо.

Иш берувчи билан айрим тоифадаги ходимлар ўртасида (юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёзларни белгилашда)ги муносабатларни кафолатлаб берувчи ягона ҳуқуқий ҳужжат, бу — иш жойлари аттестация қилиш-оладиган саноат марказларидан биридир. Бу ерда қудратли самолётлар, тракторлар, тўқув дастгоҳлари, компрессорлар, юк ортиш ва тушириш машиналари, телевизорлар ишлаб чиқарувчи юзлаб корхоналар ишламоқда.

Шайхонтоҳур тумани пойтахтимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган масканлардан бири. Бугун 274 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган туманда саноат, қурилиш ва маиший хизмат тармоқлари тобора ривожланиб бормоқда. Ҳудудда айни дамларда турли мулкчилик шаклидаги катта-кичик 972 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда нафақат қайта ишлаш, балки маҳсулотни замонавий талаблар даражасида қадоқлаш, турли хизматлар кўрсатиш, харидорларга, хусусан, хорижий истеъмолчиларга етказиб бериш борасида ҳам ибратли ишлар қилинаётир. Ушбу корхоналар томонидан ўтган 2006 йилда 134 миллиард 187 миллион сўмликдан зиёд турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Йирик саноат корхоналарида иш билан банд бўлганлар сони эса 5144 тани ташкил этди.

Бундан ташқари, туманда хорижий сармоядорлар ва шериклар топиб, жойларда кўплаб қўшма корхоналар бунёд этиш йўллари изланяпти. Ҳудудда Россия, Хитой, Буюк Британия, Германия, Франция, Швейцария, Бельгия, АҚШ, Япония, Канада, Ҳиндистон, Нидерландия, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Афғонистон, Украина, Латвия, Литва каби қатор давлатларнинг ишбилармон доиралари тобора кўпайиб бораётир. Ҳамкорликда «Тошкент — Тўйтепа текстиль», «Шарқ модел», «Текстайл ИМПЕКС», «Тошкент қувурлар заводи» сингари кўплаб қўшма қувватлар ишга туширилаяпти.

— Туманимиз ўзининг ташқи савдо фаолиятида, экспорт ва импорт борасида ижобий силжишларга эришмоқда, — дейди туман ҳокими **Адҳам Жумабоев.** — 2006 йил якуни бўйича ташқи савдо айланмаси бир неча миллион АҚШ долларини ташкил этди. 32 та хўжалик юритувчи субъект томонидан 41,1 миллион АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотлар хорижга экспорт қилинди. Кичик бизнеснинг экспортдаги улуши эса 30 фоизни ташкил этди. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳудудий дастурига кўра, ўтган йил 2 та лойиҳа бўйича 3,5 миллион АҚШ доллари ҳажмида инвестициялар ўзлаштирилди. Тумандаги «Интернейшнл трайд продакшн» (оёқ-кийимлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган) қўшма корхонасига 344 минг АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри сармоя киритилди.

Шунингдек, туманимизнинг «Ҳувайдо» маҳалласи ҳудудида 30 минг аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатувчи 39-оилавий шифохона ҳомийлар томонидан мукаммал таъмирланиб, фойдаланишга топширилган бўлса, Самарқанд дарвоза кўчасида 270 беморга тиббий хизмат кўрсатувчи 14-оилавий шифо маскани барпо этилди. Шу ернинг ўзида истиқомат қилувчи аҳолига тикув цехи ва маҳалла гузари ҳам фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, туманнинг «Қоратош» мавзеси Чақар маҳалласи ҳудудида 55-оилавий шифо маскани, тикув цехи, маҳалла идораси янгидан қурилиб, аҳоли ихтиёрига берилди. Ана шундай эзгу мақсадлар учун ўтган йилда 4,8 миллиард сўм ўрнига 5,9 миллиард сўмлик маблағлар йўналтирилди.

Дарҳақиқат, пойтахтимизда бундай қирилишлар, ўзгаришлар изчил олиб борилмоқда. Қалби бунёдкор юртнинг эса бўйи ҳам, руҳи ҳам баланд бўлади. Ўзбекистондек улуғ мамлакатни дунё билан боғлайди...

Пойтахтдан бошланган хайрли иш, ташаббуслар юрт бўйлаб ёйилади.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

АВИАКОМПАНИЯДА МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР





«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташаббуси билан бир ойдан буён компанияга қарашли корхона ва ташкилотларда «Халқимиз урф-одатлари» кўрик-танлови ўтказилаяпти. Танлов шартига кўра, ҳар бир корхона жамоаси ўз саҳна кўринишларини намойиш этади. Унда миллий қадрият ва анъаналаримиз оилаларда, умуман, жамиятда қандай сақланаётгани, ёшлар тарбиясига унинг таъсири, «Ижтимоий ҳимоя йили» мақсадлари ва тарихий урф-одатларимиз ҳамоҳанглиги каби жиҳатлар ёритиб берилиши керак. Шунингдек, халқимизнинг бағрикенглиги, ижодкорлиги, қўшиқчилик санъати намойиш этилиши лозим.

Ана шундай кўрик-танлов Тошкент халқаро аэропортида бўлиб ўтди. Халқаро аэропорт ва унга қарашли мактабгача таълим муассасаси ходимлари ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

— Авиакомпанияда кўплаб ёшлар меҳнат қилади, — дейди Тошкент халқаро аэропорти ижтимоий масалалар гуруҳи раҳбари, ЎзХДП бошланғич ташкилоти раиси Зиёвуддин Илҳомов. — Ушбу тадбирларни ўтказишдан мақсад ёшларни халқимиз урф-одатларига ҳурмат руҳида тарбиялашдир. Қолаверса, юртимизга ҳаво йўллари орқали келадиган меҳмонлар биринчи бўлиб компаниямиз ходимлари билан мулоқотда бўлади. Ўзбекистон ҳақидаги дастлабки таассуротлари шу ердан бошланади. Шу сабабли қадриятларимизни акс эттириш, асраб-авайлаш катта аҳамиятга эгадир. Жамоамизда 63 нафар ХДП аъзоси меҳнат қилади. Улар бу тадбирларни ташкил этишда фаол қатнашаяптилар.

Тадбир сўнггида ушбу жамоага Ўзбекистон ХДП Сергели туман кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ДУНЁНИ БОҒЛАЙДИГАН КЎПРИК

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ПОЙТАХТИМИЗ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ХУСУСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳар бир халқнинг ўз муқаддас қадамжолари бўлади. Шу маънода Мустақиллик майдони ҳар биримиз учун азиз ва мўътабар масканлардан бири. Бу ерда Ер шарининг рамзий тимсоли — Мустақиллик монументи истиқлолнинг илк йилларидаёқ ўрнатилган эди. Бугун эса ўн олти мармар устунни туташтириб турган маҳобатли Эзгулик аркаси қад ростлаб турибди. Унга томон элтувчи оппоқ йўлак, тепасида чарх ураётган турналар, беҳадик лайлаклар тимсолида катта рамзий маъно бор.

Мустақиллик майдони- даги вазирликлар биносининг қайта қурилиши, Сенат биноси, янги фавворалларнинг ишга туширилиши, Алишер Навоий кўчасида «Навоий тоғ-металлургия» комбинати маъмурий биноси, Бўзсув каналининг анҳор қисмидан ўтувчи кўприкнинг таъмирланиши ва яна бошқа кўплаб ўзгаришлар истиқлолимиз шарофати туфайли содир бўлмоқда. Бу бунёдкорликлар, айниқса, янгича асосда барпо этилаётган юзлаб ўқув юртлари — коллеж, лицей, мактаблар, замонавий ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт муассасалари, қатор савдо ва хизмат кўрсатиш масканлари мисолида намоён бўлмоқда.

Шунингдек, «Сағбонтекстиль», «Байтекс», «Ўзбат», «Айсель», «Ипак йўли туризм инвест», «Зенит электроникс», «Айлин-Гида» сингари кўплаб қўшма қувватлар ишга туширилди.

Шайхонтоҳур туманида қурилиб фойдаланишга топширилган «Жар», Юнусобод туманидаги барча қулайликларга эга, замонавий «Универсал» спорт-соғломлаштириш мажмуалари, шу ҳудудда барпо этилган «Теннис корти», қолаверса, бошқа қатор спорт иншоотлари ва стадионлар фикримиз далилидир.

Тошкент дунёнинг энг йирик шаҳарлари билан рақобатлаша

❖ Ҳолат, муносабат

ОЙНАГА ОТИЛГАН ТОШ

Ота-оналар, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва ўқитувчилар диққатига



Самарқанд — Тошкент йўналиши бўйича қатнаётган электр поезди хизмати аҳолига манзур бўлмоқда. Ҳам қулай, ҳам арзон. Тошкент ёки Самарқандга борган йўловчи бир кунда ишини битириб, қайтиб келиши мумкин. Аммо баъзи-баъзида йўлда содир бўладиган айрим нохушликлар киши таъбини хира қилади.

Масалан, шу йил 10 апрель куни Самарқанд — Тошкент поездида кетаётган эдим. Жиззах билан Гулистон оралиғида соат тахминан 9дан ўтганда бирдан қарсиллаган овоз эшитилди ва вагоннинг ўнг томонидаги тўртинчи ойна сочилиб кетди. Беш яшар ўғлини ухлатиб келаётган ёш аёл саросимада қолди. Отилган тош бирортамизга тегмаган бўлса-да, дераза ойнасидан сочилган шиша парчалари боланинг чап юзини яралаган эди.

— Кунлар исиши билан мана шу аҳвол бошланади, — деди вагон назоратчиси Алижон Амиров. — Кеча Тошкентдан қайтаётганимизда Янгийўл ҳудудида, мана кўриб турганингиз, чап томондаги тўртинчи деразани синдиришганди, бугун бу томон.

Кўп кузатамиз, бу каби ҳодиса кўпинча Жиззах — Сирдарё оралиғи ҳамда Тошкент вилоятининг Янгийўл тумани ҳудудида содир этилади. Бундай безориликларни асосан ёш болалар қилишади. Наҳотки, ота-оналар ўз болаларининг бу зарарли, ахлоқсиз хавфли қилиқларини билишмаса, кўришмаса, эшитишмаса? Ахир отилган тош кимнидир қаттиқ жароҳатлаши мумкин-ку. Синган ойнали вагонда кетиш йўловчиларга ноқулайликлар туғдиради. Қолаверса, синдирилган ойналар ҳисобига «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК қанчалар зарар кўради. Назаримда ота-оналар, ўқитувчилар, маҳалла аҳли болаларга бундай қилиқлар оқибатини жиддийроқ тушунтиришлари керакка ўхшайди. Бундан ташқари, поезд ўтадиган аҳоли турар жойларидаги мутасаддилар билан келишилиб, жамоатчи назоратчилар кўйилса, яхши натижага эришиш мумкин, деб ўйлайман. Чунки ўз-ўзини назорат турли қонунбузарликларнинг олдини олади.

Раҳим Соли БОҒДОНЛИ, СамДУ доценти

МЕҲНАТ ШАРОИТИНГИЗ ЯХШИМИ?

ИШЛАРИ БУГУН ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

ганлиги ҳужжатидир. У қатъий ҳисобда туриши ва корхона архивида 50 йил сақланиши талаб қилинади.

— Аттестация ўтказиш комиссияси таркибига кимлар киради?

— Комиссия таркибига, қоида тариқасида корхона бош муҳандиси, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати мутахассислари, ходимлар билан ишлаш, меҳнат ва иш ҳақи бўлими ходимлари, шунингдек, корхонанинг санитария-гигиена ёки технологик лабораториялари вакиллари киритилади. Агар иш жойларини аттестация қилиш ишларига жалб қилинувчи корхонада санитария-гигиена ёки технологик лаборатория бўлмаса, унда шу ишларни бажаришга ваколати бор бошқа лабораториялар билан шартнома тузилиб, улар бажарган иш учун ҳисоб рақамларига келишилган миқдорда маблағ ўтказиб берилади.

— Иш жойлари аттестация қилинган ёки қилинмаганлиги жараёнлари асносида бугунги кунда корхоналар ишлаб чиқаришда замонавий технологиялардан фойдаланишга интилиш ва бошқа кўрсаткичларни яхшилашда рақобат муҳитини ҳам келтириб чиқарса керак-а?

— Табиий. Агар иш берувчи, ишлаб чиқаришда эски дастгоҳлар ўрнига замонавий технологияларни қўллаб ва янги компьютерлашган механизмлар ҳамда қурилмалар ўрнатиб, ишлаб чиқаришда инсон соғлигига зарарли таъсир қилувчи (чанг, титраш, шовқин, электромагнит нурланиш) омилларнинг таъсир даражасини камайтиришга эришса ёки бутунлай йўқ қилса, у вақтда ходим бериладиган имтиёз (имтиёзли пенсия, қўшимча таътил, қисқартирилган иш кун)ларга қилинадиган харажатлардан қисман ёки тўла озод этилади.

Корхонада иш жойлари аттестация қилинмаган бўлса, айрим касбларда ишловчи ходимлар (қонунда белгиланган зарарли меҳнат шароитларидаги касбларда ишласа ҳам) ёшга доир имтиёзли пенсия ололмайди, қисқартирилган иш куни, қўшимча таътил ва даромадидан имтиёзли солиқ тўлаш ҳуқуқи белгиланмайди.

— Ҳозирги кунда фуқароларнинг имтиёзли пенсияга чиқиш бўйича ечилмай келаётган айрим муаммолари қонун бўйича ўз жавобини топганми? Топган бўлса, улар асосан нималардан иборат?

— Агар ходим аввал ишлаган корхона ўша даврда иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказмаган бўлса, кейинчалик банкротга учраган ёки тугатилиб кетган бўлса ҳамда унинг ҳуқуқий вориси ёки юқори турувчи ташкилоти бўлмаса, ушбу касб имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берувчи 1-2 ва 3-рўйхатларда бевосита кўрсатилган бўлса, у ҳолда истисно тариқасида ходимга имтиёзли пенсия тайинлаш масаласи ижобий ҳал этилиши мумкин.

Корхона банкротга учраган ёки тугатилган, шунингдек, унинг ҳуқуқий вориси ёки юқори турувчи ташкилоти йўқ бўлган ҳолларда давлат меҳнат шароитлари экспертининг хулосаси олингандан кейин (амалдаги қонунчиликда белгиланган муддатларда) имтиёзли пенсия тайинланиши лозим.

Яна бир ҳол: агар иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказишдан бош тортаётган ёки баъзи сабабларни рўкач қилаётган корхона раҳбарларини меҳнат муҳофазаси меъёрлари ва қоидаларини бузганлиги учун амалдаги қонунларга мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортиш (Мувофиқлаштириш Республика кенгаши режасига кўра ўтказилаётган текширувларда) зарурлигини таъкидлаган ҳолда, корхоналарда ушбу масала юзасидан мунтазам тушунтириш ишлари олиб бориш керак бўлади. Шунингдек, ходимларга уларнинг меҳнат муҳофазаси борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини эслатиб туриш, уларнинг ижтимоий ҳимояси ва меҳнат муҳофазасига лоқайд бўлган корхона раҳбарлари устидан суд органларига мурожаат этишлари мумкинлиги тўғрисида ҳам маълумотлар бериш лозим бўлади.

— Кўриниб турибдики, қонунлар билан кафолатланган бу ишлар ва бу жараёнларнинг ҳаммаси замирида инсон соғлиги, унинг бурчи ва ҳақ-ҳуқуқлари муҳофазаси, яъни ижтимоий ҳимоя деган тушунчалар ётибди. Шу жиҳатдан олганда Қорақалпоғистон Республикасида бу борада йилнинг ўтган биринчи чорагида аттестациядан ўтган корхоналар, жамоалар борми?

— Шу йил бошидан буён 3 та корхонада иш ўринларини аттестациядан ўтказилганлиги тўғрисида хулоса берилди. Улар «Тўрткўл Оқ олтин» ҳиссадорлик жамияти, «Хориж нефтегаз — ГПД» компанияси, «Парисстрой МЧЖ» қурилиш бошқармаси бўлиб, қолган корхоналарда ҳам мазкур жараён жадал кетмоқда.

Суҳбатдош: Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Тадбир

АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИК, ТЕРРОРИЗМ ВА ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан «Ўзбекистонда яшовчи турли миллат аёллари ва ёшлари жиноятчиликка, терроризмга, гиёҳвандликка қарши» шиори остида «Шу азиз Ватан барчамизники» деб номланган дўстлик форуми бу гал Сурхондарё вилоятининг Қизириқ туманидаги марказий ўйингоҳда бўлиб ўтди. Дўстлик форумида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Форумда «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан тумандаги кам таъминланган оила бекаларидан етти нафарига Президент совғалари: тикув машиналари ва рангли телевизорлар топширилди.

«Биз гиёҳвандликка қаршимиз!», «Биз жиноятчиликка қаршимиз!», «Биз терроризмга қаршимиз!» шиорлари билан безатилган ўйингоҳга тўпланган ёшлар «Ҳеч кимга бермаймиз сени Ўзбекистон» қўшиғини жўр бўлиб куйладилар.

Туманнинг аҳолиси ўзбек, рус, қирғиз, татар ва тожик миллатига мансуб бўлиб, 16 минг нафардан ортиқ.

Мустақилликни мустаҳкамлаш ва ёш авлодни истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда фидойилик кўрсатаётган бир гуруҳ қизириқлик аёллар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Мавлуда ҚОБИЛОВА,
Сурхондарё вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси

❖ Турфа тақдирлар

ОТАСИ ҚЎҚОНЛИК АТОҚЛИ ОЛИМ

1975 йилнинг кеч кузи. Ўзбекистон Фанлар академиясининг келгуси йилларга мўлжалланган иш режасини тасдиқлатиб келиш учун Москвага борган кезим. У пайтда собиқ иттифоқ Фанлар академиясининг барча бўлимларига кириб, талашиб-тортишишга тўғри келарди. Ўша кезларда «Республикалар Фанлар академиялари ишларини координация қилиш Кенгаши» раисининг ўринбосари, профессор Новиков Валерианнинг ёрдамига суянардим. Маишатни хуш кўрадиган Новиков кўп ишларимни енгиллатиб берарди.

Бу гал ҳам ишлар битгач, академия меҳмонхонасидаги ресторанга тўрт кишилик дастурхонга буюртма бериб, Президиумга — Новиковнинг ҳузурига келдим. Кечқурун уни муовинлари билан ресторанда кутишимни эшитгач, Новиковнинг чеҳраси ёришиб кетди. Дарров розилик берди. Сўнгра, профессор Мальцевни ёнига чақиртирди.

— Анатолий Ефимович! Қатнашадиган йиғилишингга ўзбек дўстимизни ҳам олиб бор! Нобел мукофоти лауреатининг маърузасини кўп ҳам эшитмаган бўлса керак?! — деб ҳазил ҳам қилиб қўйди.

Мажлислар залига кетаётганимизда, доимо ширинсўз бўлган профессор Мальцев Франция Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси бўлган Гарун Тадзиев деган вулқоншунос олимни мақтаб борди:

— Бу олим жуда антиқа одам. У жаҳондаги энг машҳур учта геологнинг биттаси ҳисобланади. Вулқоншуносликда эса ҳалигача унинг олдига тушадиган бирорта олим йўқ. Ҳозирги кунда Ер юзида ҳаракатланиб турган барча, яъни уч юздан ортиқ вулқонларнинг кратерига тушиб, намуналар олишга муяссар бўлган олим...

Академиянинг мажлислар зали замонамизнинг машҳур геологлари-ю географ олимлари билан тўлган. Биз ҳам пойгакроқдан жой топиб, ўтирақолдик. Соат роппа-роса 11.00 да собиқ иттифоқ академиясининг Президенти, машҳур математик Метислав Келдиш минбарга чиқиб шундай деди:

— Ҳукуматимизнинг махсус топшириғи ва Фанлар академиясининг илтимоси билан мамлакатимизнинг Тинч океани қирғоқларида тектоник изланишлар олиб борган замонамизнинг буюк вулканологи, академик Гарун Тадзиев ўзининг асосий тезисларини сизнинг эътиборингизга тақдим этмоқчи. Марҳамат тингланг.

Гулдурос олқишлар янгради.

Вулканология ҳақида тасаввурга эга бўлмаганим учун ҳурматли нотиқнинг гаплари қулоғимга кирса-да қизиқиш уйғотмас, эътиборимни тортолмас эди. Шунинг учун беш-олти дақиқа ўтар-ўтмас кўзим уйқуга кетибди. Маъруза қанчалик чўзилганини билмайман. Қарсаклардан уйғониб кетдим. Савол-жавоб бошланди. Берилган барча саволларга Гарун Тадзиев ишонч билан, қисқа ва аниқ мисолларда жавоб берарди. Географ олимлардан биттасининг «Нега вулқонлар фақат денгиз қирғоқларида отилади? Бу асосий қонунми?» қабилида берган саволига Франция олими қулиб туриб, шундай жавоб қилди:

— Тектоник шароит мос келганда вулқонлар денгизда ҳам, қуруқликда ҳам отилаверади. Масалан, бундан уч миллион йил бурун отилган Андижон, беш миллион йил бурун ҳаракатланиб, ўчиб қолган Африкадаги Климанджаро вулқонлари бунинг исботидир...

Кечқурун соат еттида Новиковни ҳамроҳлари билан ресторан олдида кутиб оладиган бўлиб, меҳмонхонага кетдим. Аммо учрашув вақтига ўн дақиқа қолганида Новиков менга кўнғироқ қилиб, зиёфатга келолмаслигини айтиб, узр сўради. Стол безатилган. Нима қилишни билмай, бирор таниш-билишни учратиб қолармиканман, деб атрофга қарадим. Ҳеч ким кўринмади. Ноилож тўрт кишилик дастурхонга бир ўзим ўтирдим. Шошмасдан еб-ичиб, ҳордиқ чиқариб ўтирганимда ресторанниг эшиги очилиб, бояги француз олими Гарун Тадзиев чиройли аёл билан бирга кириб келди. Уларни столимга таклиф қилсаммикан деб, ўйладим, лекин бунга ботинолмадим. Бир-икки қадаҳ шароб ичганимдан кейин ўзимни анча эркин сеза бошладим. Шунда хизматкорни чақириб, столимдаги шампан виноси билан ликопчада чиройли қилиб қирқилган қовунни вулқоншуноснинг столига олиб боришни буюрдим.

— «Ўзбекистондан совға!», — деб айтинг дедимда, ташриф қоғозимни бериб юбордим.

Ҳадяни олган Тадзиев хизматкорнинг гапини диққат билан тинглади, сўнгра ташриф қоғозим билан танишиб чиққач, мен томонга қаради. Чиройли табассум қилиб, қўлини кўксига қўйганча, бош эгиб раҳматини изҳор қилди. Қовундан тотиб кўришгач, иккаловининг юзидан миннатдорлик табассуми аримай қолди. Қовунни ейишар экан, бир неча бор мен томонга қараб қўйишди. Бундан дадилланиб кетиб, уларни қўймай ўз дастурхонимга бошлаб келдим. Луиза исмли чиройли қиз ҳам француз бўлиб, Гарун Тадзиевнинг ҳам хотини, ҳам таржимони экан.

Тадзиевнинг кетма-кет берган саволлари Ўзбекистон ва айниқса, Фарғона водийси ҳақида эди. Суҳбатимиз анча қизиди.

Сўнгра мен ҳам савол беришга ўтдим.

— Жаноб Тадзиев, нима учун Сизнинг исми-шарифингиз французчадан кўра кўпроқ русчага ўхшаш? — деб сўрадим.

Шунда олим қулиб юборди ва хотинига бир қараб олиб, жавоб қилди:

— Қаерда бўлмай, менга бериладиган савол илмий ишларимдан эмас, балки исми-шарифимнинг антиқалигидан бошланади. Мен 1921 йили Польшанинг Краков шаҳрида ҳарбий врачлар оиласида дунёга келганман. Отам Рашид Тадзиев асли қўқонлик бўлиб, инқилоб ва ички урушлар туфайли аввал Россияга, сўнгра Польшага келиб қолган экан. Польша оқ суякларидан бўлган онам билан Варшава тиббиёт университетида ўқиб юрган кезида танишган ва оила қуришган. Исмим аслида Хорун бўлиб, арабча маъносини яхши билмайман. Миллатингиз нима деб сўрашганида отам ўзбек, онам поляк, ўзим эса французман, деб жавоб қиламан, — деди кулиб.

— Қайси тилларда гаплаша оласиз?

— Француз, поляк ва инглиз тилида. Шу тилларда асарлар ёзаман. Ота юртим тилида гаплаша олмаслигимнинг сабаби уйда фақат польяк ва француз тилларида гаплашардик.

Ярим юртдош бўлиб чиққан француз академигига тикилар эканман, унинг ташқи қиёфасида миллатимизга хос бирор белги топишга қанчалик ҳаракат қилмай, бизга ўхшаш жиҳатларини тополмадим.

— 1939 йили фашистлар Польшага бостириб кирганида мен геология факультетида талаба эдим, — деб Гарун Тадзиев ўз ўтмишини эслай бошлади. — Бир онда ҳамма орзу-ҳаваслар, оилавий режалар остин-устун бўлиб кетди. Алғов-далғов авжга чиқиб, Польша босқинчилар қўлига ўтди. Шунда исми-шарифимнинг ғалатилигидан шубҳаланган фашистлар мени номаълум халқ вакили сифатида концлагерга ташлашди. Сўнгра Франция ерларига ҳарбий заводларни тиклаш учун юборишди. Қулай фурсат топиб, бир нечта француз асирлари билан ўрмонга қочдик. У ерда бошқа қочқинлар билан қўшилиб, тузуккина отряд тузиб, партизанлик қила бошладик. Партизанлик ҳаракатимиз тезда кўзга ташлана бошлади. 1942 йилдан эса генерал Шарл Де Голль бизни ўзи тузган «Жанговар Франция» миллий ҳаракатига қўшиб олди. Генералнинг резиденцияси Жазоирда бўлгани сабаб тегишли кўрсатмалар олиш учун мен Жазоирга тез-тез бориб турардим. Жанговарлик маҳоратимни яхши баҳолаган Де Голль ўзи тузган Вақтли ҳукуматда ишлашни таклиф қилганида унамадим. Страсбург университетини битириб геология фани бўйича докторлик унвонини олдим. Яхши вулқоншунос сифатида фан оламида танилдим. 1958 йили Франция Фанлар академиясига сайланганимда генерал Де Голль биринчи бўлиб мени табриклади. Генералнинг табриги мен учун энг буюк мукофотдир! — деб Гарун Тадзиев қадаҳ кўтарди...

Хайрлашаётиб Гарун Тадзиев мени маҳкам бағрига босди. Шунда қандайдир илиқлик сездимки, мен билан видолашаётган одам узоқ франциялик олим бўлмай, менинг қондошим, яқин қариндошимдек туйилиб, кўзимга ёш келди.

Аъзам АЗИМИЙ

ИНФОРМАЦИЯ по ОАО «RAUPXON»

Баланс на 1 января 2007года

тыс.сум

	Актив	Пассив
Остаточная стоимость осн.средств	940933,5	
Капитальные вложения	405856,2	
Долгосрочные инвестиции	37064,3	
Товарно-материальные запасы	1367377,9	
Денежные средства	69358,5	
Дебиторы	174190,4	
Прочие активы	1225,3	
Уставной капитал		51000
Резервный капитал		364803,5
Нераспределённая прибыль		1889613,5
Текущая кредитор. задолженность		339389,1
Краткосрочный банковский кредит		351200
Итого	2996006,1	2996006,1

Отчёт о финансовых результатах на 01.01.2007 г.

Чистая выручка от реализации	3616098,6
Себестоимость реализованной продукции	2224460,1
Расходы периода	349604
Прочие доходы основной деятельности	28679,3
Финансовый результат до уплаты налога на прибыль	1070713,8
Налоги	194555,2
Чистая прибыль	876158,6

Достоверность данных подтверждена аудиторская фирмой ООО «Ажур Плюс» (лицензия Минфина РУ №15 от 12.03.2001г.)

❖ Тафсилот

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИГА КЎРА

ПАРЛАМЕНТНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ САЙЛОВЛАРИ 24 ИЮНГА КЎЧИРИЛДИ, АММО ОЛИЙ РАДА БУ ФАРМОННИ НОҚОНУНИЙ ДЕБ ТОПДИ

Украина президенти Виктор Юшченко шу йил 2 апрелда чиқарган Олий Радани тарқатиб юбориш ва навбатдан ташқари парламент сайловларини шу йил 27 майда ўтказиш ҳақидаги аввалги фармонини бекор қилиб, янги фармон қабул қилди. Унга кўра, — дейилади «Интерфакс» ахборот агентлиги хабарида, — Олий Радани муддатидан олдин тарқатиб юбориш ва навбатдан ташқари парламент сайловларини шу йил 24 июнда ўтказиш белгиланди. Айнан шу фармон билан Олий Раданинг ваколатлари бекор қилинди. Шунингдек, навбатдан ташқари сайловларни молиялаш учун маблағ билан таъминлаш мажбуриятини Вазирлар Маҳкамасига, навбатдан ташқари сайловлар ўтказилиши бўйича ташкилий ишларни Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклади.

Маълумотларга қараганда, Вазирлар Маҳкамасининг ва Марказий сайлов комиссиясининг 27 майга белгиланган навбатдан ташқари сайловларга тайёргарлик бўйича фаолият олиб бормагани янги фармон қабул қилинишига сабаб бўлган.

Украина Марказий сайлов комиссияси раиси Ярослав Давидович эса навбатдан ташқари парламент сайловларини ўтказиш учун мамлакатдаги барча сиёсий кучларнинг розилиги кераклигини таъкидлади.

«Украинская правда» газетаси хабарига кўра, «Регионлар партияси» фракцияси аъзоси Тарас Чорновил парламент мажлисида сўзга чиқиб, президент билан бу борада яна музокаралар ўтказиш бефойдалигини уқтирган, у «Регионлар партияси»дан сайланган кўпгина депутатлар президентга импичмент эълон қилиш юзасидан иш бошлаш тарафдори эканлиги ҳақида баёнот берди. Бунинг учун 226 нафар депутатнинг овози кераклигини, лекин у 375 овоз йиға олишини билдирди. Олий Рада эса президентга импичмент бошлаш тадбири бўйича қарор лойиҳасини рўйхатдан ўтказди. Ушбу ҳужжатни Коммунистик партия ва «Регионлар партияси» фракциялари ҳамда мухолифатдаги Юлия Тимошенко блокидан чиқиб, ҳукумат-парламент коалициясига қўшилган икки нафар парламент аъзоси Олий Радага тақдим этдилар. Бироқ президент тарафдори бўлмиш «Наша Украина» фракцияси аъзоси Николай Онишчукнинг айтишича, ҳуқуқий нуқтаи назардан президентга импичмент қўллаш мумкин эмас, негаки, бунинг учун биринчидан, 300 депутатнинг овози керак бўлади, коалиция эса бундай овозни йиға олмайди (ҳозирги кунда коалицияни 260 нафар депутат қўллаб-қувватламоқда). Иккинчидан, импичмент масаласи бўйича Олий суд ўз нуқтаи назарини билдириши лозим: президент фаолиятида жиноий характердаги ёки инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келган саъй-ҳаракатлар бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақида хулоса бериши керак. Онишчукнинг ишонч билан қайд этишича, Олий суд бундай хулосани беролмайди.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, парламент мажлисида президентнинг Олий Радани тарқатиб юбориш ҳақидаги янги фармони ноқонуний деб топилди. Бунинг учун 261 депутатдан 255 нафари овоз берди. Улар янги фармон қабул қилинишига асос йўқлигини алоҳида қайд этишди.

Олий Рада спикери Александр Мороз эса президент томонидан янги фармон қабул қилингани муносабати билан Конституциявий суд президентнинг 2 апрелдаги фармони қонунийликка нечоғли тўғри келиш-келмаслиги юзасидан кўриб чиқаётган ишни тўхтатганлигини маълум қилди. Аммо Конституциявий суднинг матбуот хизмати бу ахборотни тасдиқламади. У Конституциявий суд ёпиқ ҳолда ишлашга ўтганлигини маълум қилди.

Яна бир гап. Конституциявий суд биноси олдида коалиция ва мухолифатнинг етти мингга яқин тарафдорлари митинг ўтказишни давом эттирмоқдалар. Бу ерда тўпланганларнинг 5 мингга яқини ҳукумат-парламент коалицияси (В. Янукович) тарафдорлари бўлса, 2 минг нафари мухолифат (В. Юшченко) тарафдорларидир. Бинога кириш йўлаклари милиция томонидан қаттиқ қўриқланмоқда, улар митингчиларнинг бинога суқилиб киришларига йўл қўймаяпти.

Конституциявий суд ишни кўриб чиқишни 17 апрелда бошлаган. У 10 кун давомида мазкур иш юзасидан қарор чиқариши лозим.

●●●

Қуйидаги хабар ҳам Украина ҳаёти билан боғлиқ.

«NEWSru.ua» тарқатган ахборотда қайд этилишича, Киев социология халқаро институти 14-19 апрель кунлари мамлакат аҳолиси орасида, аниқроғи, 18 ёшдан ошган 2039 нафар киши ўртасида сиёсий сўров ўтказди. Унинг натижаларига кўра, сўровда иштирок этганларнинг 31,7 фоизи мамлакат бош вазири Виктор Януковични давлат раҳбари лавозимида кўришини исташини билдирган бўлса, 18,8 фоизи амалдаги президент Виктор Юшченко ўз лавозимида қолишини истаган. 14,7 фоизи эса бу курсида мухолифат етакчиси Юлия Тимошенко, 2,5 фоизи коммунистлар етакчиси Пётр Симоненко, 1,9 фоизи яна бир мухолифатдаги «Ўз ўзини ҳимоя» партияси етакчиси Юрий Луценко, 1,5 фоизи парламент спикери Александр Мороз, 1,4 фоизи Халқ партияси етакчиси Владимир Литвин, яна шунчаси Социалистик-прогрессив партияси етакчиси Наталия Витренко ўтириши лозим деган фикрни билдирган. 13,9 фоиз иштирокчи бу борда иккиланаётганини айтган, 8 фоизи эса овоз беришда умуман қатнашмаслигини таъкидлаган.

ЯНГИ САНКЦИЯ ЖОРИЙ ЭТМОҚЧИ

Агар Белорусия маъмурияти сиёсий маҳбусларни қамоқдан озод этмаса ва мухолифатни таъқиб қилишни тўхтатмаса, АҚШ маъмурияти расмий Минскка нисбатан янги санкциялар қўллаши мумкинлигини айтиб, таҳдид қилди, дейилади «Associated Press» ахборот агентлиги тарқатган хабарда. Бу ҳақда АҚШ давлат котиби ёрдамчисининг ўринбосари Дэвид Кремер баёнот берди.

Унинг айтишича, Белорусия маъмурияти агар икки давлат ўртасидаги алоқалар янада ёмонлашишини истамаса, сиёсий жараёнларда АҚШ кутганидек одимлар ташлашига тўғри келади.

Эслатиб ўтамиз: Америка маъмурияти Белорусия раҳбариятини 2006 йил мартда республикада бўлиб ўтган президент сайловлари натижаларини қалбакилаштирганликда айблаб, унинг 6 нафар раҳбарига нисбатан иқтисодий санкция қўллаган. Бундан ташқари, Америка Молия вазирлигининг буйруғига кўра, АҚШ ишбилармонларининг Белорусия тадбиркорлари билан шартномалар тузиши тақиқланган. Белоруслар билан ҳамкорликда ишлаётган Америка компания ва фирмаларининг активлари эса «музлатилган». Шу йил январда эса президент Жорж Буш Белорусияга нисбатан санкцияларни янада қатъийлаштирди. Унга кўра, Белорусияда мустақил оммавий ахборот воситалари ва мухолиф партиялар фаолиятини ривожлантириш учун АҚШ давлат бюджетидан маблағ ажратиш белгиланди. Шунингдек, расмий Минскка Америка кредитлари ажратилишини тақиқлаш ҳамда Белорусиянинг барча экспортларини (Америкага) ноқонуний деб топиш ҳақидаги 2004 йил қабул қилинган Белорусия демократияси бўйича актнинг амал қилиш муддати узайтирилди.



Дарвоқе, жорий йилнинг 1 мартида Европа Иттифоқи ҳам аввал қабул қилган Белорусияга нисбатан санкцияси муддатини яна чўзди. Унга кўра, республика президенти ва 30 нафар корчалоннинг Европа Иттифоқи мамлакатларига ташрифи тақиқланган ҳамда Белорусиянинг Европа Иттифоқидаги активлари «музлатилган».

ФУҚАРОЛИКДАН ЧИҚИШ МУРАККАБЛАШТИРИЛАДИ

Молдова ҳукумати аҳоли орасида республика фуқаролигидан чиқиб, ўзга республика фуқаролигини қабул қилишни истовчилар сони ортиб бораётганидан ташвишга тушиб, бу борадаги қонун ҳужжатларини мураккаблаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.

«REGNUM» ахборот агентлиги хабарида ёзилишича, қонунга киритиладиган ўзгартишларга кўра, эндиликда республикадан ташқарида истиқомат қилаётган молдаванларгина фуқаролигини ўзгартиш юзасидан ариза бериши мумкин. Республикада яшаётганлар эса... Молдова ҳукуматининг тасдиқлашича, бундай чеклов инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясига зид эмас.

Статистик маълумотларга қараганда, кўпчилик молдаванлар негадир Руминия фуқаролигини олишни истайди. Буни

осонлаштириш учун улар руминлар билан никоҳдан ўтишмоқда. Айниқса, Молдованинг Руминияга яқин уездларида бу ҳолат кўп қайд этилмоқда. Жумладан, 2006 йил охиридан 2007 йил бошларигача бундай никоҳлар 35 дан 52 фоизга ошган.

ПАРВОЗЛАР БЕКОР ҚИЛИНДИ

Бир кунда 330 та парвозни амалга оширувчи Скандинавиянинг Даниядаги «Scandinavian Airlines» («SAS») авиакомпанияси стюардесса ва стюардессларнинг иш ташлаши давом этаётгани боис ўзининг 142 та парвозини бекор қилди. Натижада минглаб йўловчилар аэропортларда ўз самолётлари парвозини кутиб ётибди.

«SAS» раҳбарияти иш ташлашни ташкиллаштирган авиациянинг касаба уюшма вакиллари билан олиб борган музокаралари бесамар кетди.

Иш ташлаш сешанба куни бошланган. Ўша куни 113 та парвоз бекор қилинган эди.

Иш ташловчилар меҳнат шароитлари яхшиланишини, маошлар ва пенсиялар миқдори оширилишини талаб қилмоқдалар.

Бу ҳақда «Новости» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

❖ Диққат, янгилик

ДЕНОВДА НОЁБ ТОПИЛМА

ТУМАНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН АРХЕОЛОГИК — ҚАЗИЛМА ИШЛАРИ НАТИЖАСИДА СОПОЛ ТОБУТ ТОПИЛДИ. УНИНГ ИЧИДА ТЕМИР ХАНЖАР, ОДАМ СКЕЛЕТИ, БЎРИНИНГ ЮЗ ҚИСМИ АКС ЭТГАН МЕТАЛЛ НИҚОБ БОР ЭКАН

Сурхон воҳаси жаҳон тан олган Исо ат-Термизий, Ал-Ҳаким ат-Термизий, адиб Собир Термизий, Сўфи Оллоёр, Муҳаммад Жайҳуний каби олим ва фозилларга бешик бўлган юрт ҳисобланади. Қадимий «Чағониён» мулки бўлган Деновнинг ҳар бир дараси, тоғу тоши, минг йилларни қўрган чинорлари-ю, масжид, мадраса, мақбара ҳамда ҳ[illegible]оналари эса бизга узоқ мозийдан ҳикоя қилади.

— Денов туманида олтмишга яқин тепалик, кент, қарорғоҳ ҳамда азиз манзилгоҳ мавжудки, уларнинг ҳар бири узоқ тарихдан, қадим сир-синоатлардан сўзлайди, — **дейди туман ҳокими Абдусамад Ҳожикулов.** — Улардан топилган моддий ва маънавий бойликлар тарих саҳифаларимизни бойитмоқда. Айниқса, «Холчаён»дан қазиб олинган юзлаб ноёб осори-атиқалар бунга ёрқин мисол бўла олади. Яқинда тумандаги «Чангактепа» адирликларида янги топилмага дуч келинди. Шундан сўнг Тошкентдан археолог олим Баҳодир Турғуновни чақиртирдик.

— Қазишма ишлари давомида 2 метрча чуқурликда махсус сополдан ишланган тобут борлиги аниқланди, — **дейди археолог Баҳодир Турғунов.** — Унинг бўйи 177, эни 50 см. экан. Тобут тухумсимон шаклда бўлиб, у яхши ҳолатда. Ҳажми — 1,5 метрдан ортиқроқ, эни 60 см. келадиган махсус қопқоқ очилганда унинг ичида эркак кишининг жасади борлиги маълум бўлди. Калла ва пастки жағ қисмлари жароҳатланган. Аммо умуртқа поғоналар яхши...

Кўкрак қисмида эса кўндаланг ҳолда қўйилган темир ханжар бор экан. Асрлар давомида табиат ўз ҳукмини ўтказган ярақ занглаган. Ярим метрча келадиган жанг қуролининг ёғочдан тайёрланган ғилофининг айрим жойларига жиддий путур етган. Аммо дастак қисми яхши аҳволда. Бундан ташқари тобут ичидан бўрининг юз қисми акс этган темир ниқоб ҳам чиқди.

Археологнинг фикрича, ушбу жасад саркарда ёки аскарбошиники бўлиши мумкин. Мазкур ноёб топилмалар эса эрамизнинг IV-VIII аср ўрталарига оид экан. Бундай дейилишига сабаб худди шундай сопол тобутлар ўтган асрнинг 70-йилларида Шўрчи туманидаги «Далварзинтепа» подшоҳ саройи яқинидан ҳам топилган эди. Ўйлаймизки, мазкур ноёб топилмалар тарихнинг очилмаган қирраларини аниқлашга хизмат қилади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири





Суратларда: *«Чангактепа»да қазишма ишлари; сопол тобут ичидаги инсон тана тузилиши ва металл ханжар; бош суяги ҳамда металл ханжар.*

«Д» ҲАРФЛИ КРОССВОРД

Энига: 4. Фойда, наф. 7. Сўзингизни исботловчи... келтиринг. 8. Сенегал давлати пойтахти. 12. Тутқич. 13. Жониворни тирик овлаш қуроли. 14. Автомобиль маркаси. 19. Шашкадаги дона. 20. Биринчи ўзбек кинотаъсвирчиси. 21. Факультет раҳбари. 24. Араб алифбоси ҳарфи. 25. Ўзбек халқи мақоми. 26. Никарагуа шоири. 27. Жазоир шоири, «Катта хонадон» романи муаллифи. 31. Мевали дарахт «уруғи». 32. Йирик ҳарбий қўшин бирлашмаси. 33. Уч ёшдан ошган от. 36. Тоғнинг ўтиш учун қулай жойи. 37. Ҳунармандчиликда ўчоққа ҳаво ҳайдовчи мослама. 38. Мусиқа асбоби. 41. Қадимий сиёҳдон. 42. Филиппиндаги шаҳар. 44. Қадимда ҳарбийларнинг тиғ ва ўқдан ҳимояланиш бош кийими.

Бўйига: 1. Европадаги давлат. 2. Ит зоти. 3. Туркия автомобили маркаси. 5. «Илоҳий комедия» достони муаллифи, итальян шоири. 6. Гап тури. 9. Бангладеш пойтахти. 10. Ихтиёрий қон берувчи. 11. Швед ихтирочи муҳандиси, Нобель мукофоти лауреати. 15. Ҳиндистондаги дарёга номдош водий. 16. Тожик шоири, драматург. 17. Ҳаражат учун, қайтариб бермаслик шарти билан берилган маблағ. 18. Ўзбек педиатор-инфекционист олими, академик. 22. Пахтадан ип йигириш мосламаси. 23. Илоҳиёт. 28. Швейцариядаги тоғли оромгоҳ шаҳар. 29. Хона жиҳози, мебелл. 30. Савдо маскани. 34. Қўриқлаш, кузатув ишлари олиб бориладиган ҳарбий нуқта. 35. Европадаги дарё. 39. Кучли тўлқин, тўфон. 40. Йўлбошчи, раҳбар. 43. Зеб-зийнат.

МУАММОНОМА.

Очқич сўзлар: 1. Абу Али ибн Синонинг фалсафий асари — 2, 9, 7, 5, 15, 7, 9, 6, 4.

2. Жанубий-Кореянинг мамлакатимизда ташкил этилган қўшма корхонаси — 2, 16, 25.

3. Вақт ўлчови бирлиги — 2, 4, 21, 5, 21, 4.

4. Қатар давлати пойтахти — 2, 11, 14, 4.

5. «Граф Монте-Кристо» саргузашт романи муаллифи — 2, 10, 6, 4.

6. Олисни кўриш воситаси — 2, 25, 8, 12, 5, 7.

7. Шамсия йили бўйича ўн биринчи ой — 2, 4, 3, 20.

8. Либосга пардоз бериш асбоби — 2, 4, 18, 6, 9, 3.

9. Ёзув қоғози — 2, 4, 23, 1, 4, 8.

10. Туркия ва Ироқдан оқиб ўтувчи дарё — 2, 4, 22, 3, 4.

11. Вьетнам пул бирлиги — 2, 9, 7, 17.

12. Миллий бош кийими — 2, 11, 19, 19, 5.

13. Механизмнинг доира шаклидаги қисми — 2, 5, 13, 24.

Энди очқич сўзларининг жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан тўрт мисра ҳикматли сўз ва унинг муаллифи бўлган хоразмлик мумтоз мутафаккир шоир номини билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ЖАДВАЛЛИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ.

(газетанинг 2007 йил 21 апрель сони)

Энига: 1. Камолот. 2. Ара. 3. Интернет. 4. Ой. 5. Тафт. 6. Иена. 7. Она. 8. Гомер. 9. Бах. 10. Ватан. 11. Аср. 12. Кама. 13. Пи. 14. Нўхат. 15. Лос. 16. Драп. 17. Кит. 18. Имкон. 19. Файз. 20. Жоул. 21. Маршал. 22. Он. 23. Лит. 24. Бачки. 25. Мазут. 26. Бак. 27. Зафаробод. 28. Ашурова. 29. Ром. 30. Нарх. 31. Ле.

Бўйига: 1. Китоб. 2. Андижон. 3. Зар. 4. Ананас. 5. Ўрмон. 6. Машқ. 7. Фахр. 8. Акула. 9. Фут. 10. Етмак. 11. Полиз. 12. Арз. 13. Рим. 14. Ватт. 15. Турон. 16. Онега. 17. Мактаб. 18. Това. 19. Енот. 20. Алиф. 21. Раҳбар. 22. Атама. 23. Поташ. 24. Бор. 25. От. 26. Енисей. 27. Ака. 28. Дол. 29. Йўрмадўзлик. 30. Ём.

МУАММОНОМА. Ҳикмат: Виждон — одамнинг қадр-қиммати.



Юртимизда ёшларни касб-ҳунарга йўналтириб, келгуси ҳаётларида қанот бўлаётган марказлар ичида «Машҳура» ўқув марказининг ҳам ўз ўрни бор.

«МАШҲУРА» ЁШЛАРГА ҲАМКОР

Самарқанд вилоятидаги «Ёшлар маркази» биносида «Машҳура» филиали фаолият юритмоқда. Унда 22 йўналишда ўқув курслари ташкил этилган бўлиб, сартарошлик, бичиш-тикиш, қандолатчилик, компьютер саводхонлиги, ҳайдовчилик кабилар шулар жумласидандир.

— Марказимиз орқали кўплаб ёшларга касб-ҳунар сирларини ўргатаётганимиздан мамнунмиз, — дейди филиал раҳбари Дилфуза Ғофурова. — Энг муҳими, бу ерда ёшларнинг вақтлари мазмунли ташкил этилган. «Машҳура»чи хотин-қизлар сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ
Ҳусан ТЎҒИЗОВ
олган сурат

Суратда: Д.Ғофурова шогирдлари билан.

❖ Баҳор илҳомлари

МЕНИНГ ХАЁЛИМДА БИР ЧЕЧАК УНДИ...



Қўчқор НОРҚОБИЛ

ОЗОДЛИК ФАРЗАНДИ

Болам уйғон,
Осмонга қара...
Осмон сенинг кўзингдайин кенг.
Болам, Сендай тоза, бокира
Осмон Сенинг ёшинг билан тенг.

Боққил кўкка!
Зилоллик инди —
бизнинг борур йўлимиз ўша.
Менинг қўлим калталик қилса
Сен Осмонни қучоқлаб яша!

ОДДИЙЛИК

Дунё кездим...
Лондону Римни,
Истанбулу Париж, Қримни.
О, доврўқли шаҳарлар бари
Тошкент каби гўзал кўринди.

Ҳамма жойда ўхшашлик бисёр:
Қушлар — қушдир, мушуклар — мушук.
Денгиз тунни айлади ҳушёр —
Тўлқинлари қуйлайди қўшиқ.

Тонг ҳам ўхшаш. Ёмғир бу — ёмғир,
Ва шунчаки ҳаёт талқини.
Ҳаммамизга улашади нур
Юлдузларнинг мангу ёлқини.

Шамол — шамол!
Булут — булут-да...
Ҳар не мавжуд собит очунда —
Ўхшар, бироқ айтинг, қай юртда
Ким кўрибди қуёшни тунда?..

Ҳамма нарса аниқ ва аён,
Лек тааджуб тортади олам —
Дунё пайдо бўлгандан буён
Нега одам бўлолмас одам?!

БАҲОР

Бойчечакни йўргаклади кун —
Ювилмоқда борлиқдан ғубор.
Менга нима бўлди —
қаридиммикан?!
Эримади бошимдаги қор...

ҲАВАС

Хиёнат қилгудай ҳеч ким йўқ,
Дўстинг ҳам йўқ сотгудай.
Яшайсан ўзингдан кўнглинг тўқ,
Парвойинг фалакни тутгудай...

На базм, на шуҳрат, мартаба —
Қизиғи йўқ сенга азалдан...
Кўрмаганман бирор мартаба
Баҳра олдинг қайси гўзалдан?!

Ҳар ҳолда бахтлисан. Бу олам —
Пойингда тургандек мағрурсан ҳатто.
Тушунмайман,
Сен қандай одам.
Яшаяпсан қайси ҳаётда?!

ᘓ ᘐ ᘓ ᘐ

Ҳаётим самода тортилган чизиқ,
Қанча умрим қолди?
Яратган билар...
Нафас олмоқликка ҳатто вақтим зиқ,
Фақат сиз туфайли яшагим келар...

Ўттиз тўққиз йилим — ҳаводаги ўқ,
Қайга учаяпти ҳамон бенишон.
Йиқилсам дунёда суягувчим йўқ,
Яхшиям, Сиз борсиз ўйлаб қарасам.

Сочим толасидан дўстим кўп девдим,
Кимлардан айирди юракдаги ғам.
Кўнгил қули бўлиб ҳаётни севдим —
Кулгили туюлар шоирлигим ҳам.

Ёшлик ҳам бир зумда ўтаркан, эссиз...
Ҳажр ажин этди пешонамизни...
Мабодо, азизим, бўлмасангиз Сиз —
Дунёга келмасдим,
Ишонасизми?!

АПРЕЛЬ ТОНГИ

Деразанг раҳида лола Лолалаб,
Лабинг қирмизида ўзини кўрди...
Гулкўзангга тегиб жаранглади қалб
Юзингга анвойи ранглар югурди...
Лола ҳайрон эди бир ажиб сирдан...

Дарахт новдалари капалакқанот —
Баргчаларин силкир — учмоқликка шай!
Ташқарида баҳор. Ҳайём бетоқат
Тонгнинг косасида узатади май...
Яшил қўшиқларим ўсади ерда...

Кипригингда қалққан нимадир, шабнам!?
Тонгги титроқларинг бир менга аён —
Кеча қучоғимда ухладинг, осмон,
Не бўпти, севгимиз қилди ғалаён,
Сени тиниқ кўрдим баҳору нурдан.

Менинг хаёлимда бир чечак унди:
Сени даст кўтариб чиқсам кўчага,
Майли, йиғламасин, лолангни ҳам ол
Севгимни ошкора қилай барчага —
Ҳайём майин ичиб гулладим бирдан...

«НЕФТЧИ»НИНГ ҒАЛАБАСИ

фарғоналик футболчиларнинг Осиё чемпионлар лигаси баҳсларининг кейинги босқичига чиқиш имкониятини оширди

Қитъамизнинг нуфузли мусобақаларидан бири саналган Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг тўртинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Унда турнирнинг «С» гуруҳида иштирок этаётган Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари ўз майдонларида Қатар чемпиони «Ал-Садд» жамоасига қарши тўп сурдилар.

Ёдингизда бўлса, мазкур жамоаларнинг Дохада кечган баҳсида мезбонлар ҳамюртларимиз дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллашганди. Сафардаги мағлубиятга қарамай, чорак финал босқичига чиқиши учун «Нефтчи» жамоасига гуруҳ ўйинларининг яна иккитасида муваффақиятли иштирок этилса кифоя эди. Буни тўғри англаган Юрий Саркисян шогирдлари ғалаба иштиёқида майдонга тушдилар. Ўз ҳисобида иккитадан сариқ карточкаси бўлганлиги туфайли ушбу учрашувни ўтказиб юборишга мажбур бўлган ҳужумчилар Илья Коваленко ҳамда Анвар Бердиевларнинг йўқлигига қарамай фарғоналиклар ҳужумкор ўйин намойиш этишди.

Дастлаб Иқболжон Акрамов ҳисобни очган бўлса, кўп ўтмай меҳмонлар ҳужумчиси Эмерсон ўртадаги фарқни йўққа чиқарди. Биринчи бўлим тугашига саноқли дақиқа қолганида Насим Шоимов қатарликлар дарвозасига иккинчи тўпни киритиб, ўз жамоасини яна олдинга олиб чиқди. Ҳисоб ўйин охиригача ўзгармай қолди — 2:1. Шундай қилиб, очколари сонини тўққизтага етказиб олган ҳамюртларимиз кейинги босқичга чиқиш учун гуруҳдаги асосий даъвогарлардан бири эканлигини исботлади.

Гуруҳдаги «Ал-Нажаф» (Ироқ) — «Ал-Карама» (Сурия) жамоалари ўртасида ўтган иккинчи учрашувда меҳмонлар қўли устун келди — 2:4.

Эркин ХОЛБОБО

AFC CHAMPIONS LEAGUE

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши «Ўзбекистон овози» газетасининг ўз мухбири Рейимбой Ешимбетовга синглиси
Назира ФАЙЗУЛЛАЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси таҳририятнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги ўз мухбири Рейимбой Ешимбетовга синглиси
Назира ФАЙЗУЛЛАЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети жамоаси «Фуқаролик процесси» кафедраси ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди Мурод Чориевга отаси
Шокиржон ЧОРИЕВнинг
вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Alijon ABDURAHMONOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
11574 nusxada bosildi
Г — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 23.20
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda